



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 17-oktabr • №42 (4285)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилан қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштиришга сарфланган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси:

бир ҳафта муддатда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкам-

лаш, уларда уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой муддатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун йўланмалар қиймати Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида қўриб чиқсинлар;

қўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 октябрь

21 октябрь — Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кун

ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ДУНЁ ТИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганга 25 йил тўлди. Чорак асрдан буён она тилимизнинг ҳуқуқи халқимизнинг ўз қўлида. Она тилининг тақдирини чорак асрдан бери халқимизнинг ўзи ҳал қилмоқда. Давлат тили қонуни Ўзбекистон мустақиллиги тушунчаси билан ёндош, қондош ва эгизак. Зеро тил мустақиллигисиз эл мустақиллигини ва эл мустақиллигисиз тил мустақиллигини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун тил мустақиллигига давлат мустақиллигидан икки йил олдинроқ эришганимиз жуда катта рамзий зоҳиятга эга. 1989 йил 21 октябрдаёқ "Давлат

тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши халқимизда миллий мустақиллик ғоялари пишиб етилганидан далolat эди. Мустақиллик йилларида ҳуқуқий маданият ривожланди, миллий тил ҳуқуқини англаш ва уни амалга ошириш борасида жуда кўп ишлар қилинди. Ушбу Қонун ҳануз дунёдаги кўп халқларга армон бўлган миллий кадриятдир. Кўп тили билув юксак маънавият, тамaddon ва тасаркуётга эришишнинг муҳим омилidir. Бизнинг халқимиз азal-азалдан изланувчанлик, миллий бағрикенглик ва тараққийпарварлик фазилатлари авазига жарон тилларини ўрганиб, дунё халқлари

билан мулоқотга киришган, тараққийётга интилган. Бунини Форобий, Беруний, Ибн Сино, Пахлавон Махмуд каби жаҳонгашта алломаларимиз фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Тил билган эл билади, дейди доно халқимиз. XIX асрда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоиримиз Аваз Утар ҳам бир газалида "Хар тилини билув эмди бани одама жондир, Тил воситаи робитаи оламийендур", деб кўп тилини билув жажон халқлари билан алоқа қилишнинг муҳим воситаси эканлигига эътибор қаратганди.

Давоми иккинчи саҳифада.

КАЛОМ ИЧРА КАМОЛ

Алишер Навоий ўз асарлари билан ўзбек тилини жаҳон микёсига олиб чиқди. Бу тилда сермаҳсул, баракали ижод қилгани ҳақида қўллаб асарларида, жумладан, "Лисон ут-тайр" достонинида фахрланиб шундай ёзади: "Чун топтим ул калом ичра камол, Турк алфози бида сурдям мақол. Шоир байтда калом, алфоз, мақол каби атамаларни "сўз", "тил", "маҳорат" сингари маъноларда ўта нозик қўллаган. Тил тарихидан маълумки, Навоий туркий тилининг айрим ўзига хос қонуниятлари билан қизиқиб, "Муҳокамат ул-лугатайн", "Сабаъ-

ату абхур" номли асарлар ёзиб, қимматли фикрларни баён қилган. Тилнинг қадимийлигини "Муҳокамат ул-лугатайн" асарида таъкидлаб, дунё тилларини уч хил таснифлайди ва туркий, форсий, ҳиндий "асл тиллар"нинг бошланишидир" деган илмий, назарий фикрлар баробарида турк ва форс тилларини қиёслаб, айрим ҳолларда она тилимизнинг бойлигини, нафислигини, маъно бўёқдорлигини юзта сўз мисолида изоҳлаб, шарҳлаб беради. Туркий тилининг чексиз имкониятларини тушунириб, "Ўз тиллари

билан кўпрак айтсалар эрди, чунки ҳаммаси ўз миллати учун азиз, улуғвордир", деган умумбашари тили ниятини баён этади.

"Тилга эътиборсиз элга эътиборсиз" ҳикматида ҳазрат Навоий

Навоийни ўрганиш

тил миллатнинг, элнинг қалби, демак она тилига, халқ тилига эътиборсизлик, қайсида маънода ўз халқини билмаслик, унинг урф-одатини, руҳиятини, қалбини яхши англамаслик, ҳурматсизлик деган ҳаётий ҳақиқатни таъкид-

лайди. Шу билан бирга улуғ шоир форс ҳамда араб тилларида ҳам юксак эҳтиром кўрсатади, улардан ижодиди усталик билан фойдаланади. Хусусан, "Хамса"да сўз ва ундаги маънолар тўғрисида махсус боб ва фасллар ёзиб қолдирган. Инсонни улуғлар экан, унинг бошқа мавжудотлардан имтиёзи сўзу нутқида эканлигини таъкидлайди:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз бида ҳайвондин анга ймтиёз.

Навоий асарларида ёзиб қолдирган сўз ва тил ҳақидаги ҳикматларини ёдда тутмоғимиз, бу борадаги панду насихатларига амал қилмоғимиз жоиз: "Тилинг бирла кўнглингни бир тут", "Чин сўз мўтабар, яхши сўз мухтасар", "Бефойда сўзини кўп айтма ва фойдалиг сўзини эшитурдин қайтма", "Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалдин сўз бил", "Оқил чин сўздин ўзгани демас, Аммо барча чинни ҳам демас, Оқил иши эмас".

Навоий ўзбек тилининг куч-

қудратини, бойлигини санъаткорона намойиш қилгани ҳақида Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига шундай ёзади: "Она тилига муҳаббат, ўзинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш тўғриси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келди. Биз бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз". Асрлар давомида яққалама шоир миллатнинг миллат бўлишидаги асосий хусусият тил эканлигини уқтириб, "улуғ муддао"ларимиз она тилимизда гўзал, нафис, бетакрор, янграқ чиқишини мудом бизларга эслатиб туради.

Буробий РАЖАБОВА,
ЎЗР ФА Тил ва адабиёт
институтини илмий ходими



18 ОКТЯБР — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

«Рубъи масқунда Самарқанддек латиф шаҳар йўқдур».

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР ("Бобурнома"дан).

ИЗЛАНИШЛАР ПАЛЛАСИ



улар ҳақ. Янги, хилма-хил, муҳлислар кўнглидаги гапни топиб гапира оладиган қаҳрамонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи филмларга, айниқса, эҳтиёж катта.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида "Ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксариат филмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмамлиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради", деб ёзган эди.

Шу гапларнинг ўзиёқ миллий кинематография олдида турган вазифалар кўлами нисбатда кенг экани, киноижодкорлар ушбу вазифани бажариш учун ҳали кўп тер тўкиши кераклигини кўрсатади.

Ҳукуматимиз миллий кино санъатини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиб, уни қўллаб-қувватлаш бўйича сўнгги йилларда бир қанча ҳужжатларни қабул қилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги (2004 йил 16 март) Фармони алоҳида қайд этиш лозим. Фармонда миллий кинематографияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилган.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган давра суҳбатиде миллий кино санъатини ривожлантириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида фикр юритилади.

Баҳодир ОДИЛОВ, кинорежиссёр, Киноарбоблар бирлашмаси раиси ўринбосари:

— Ўзбек кинеси бугун ўзгаришлар даврини бошидан кечириётган. Республика раҳбариятининг, шахсан Президентимизнинг ушбу соҳага қаратаётган алоҳида эътибори, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши натижасида давлат буюртмаси асосида ҳар йили ўнлаб бадиий, ҳуж-

жатли ва анимацион филмлар ишланмоқда. Ўзбек кинеси намуналари аста-секин турли халқлар фестивалларида мукофотлар олиб, хорижлик киночилар тилига ҳам тушмоқда. Бу яхши, албатта. Бугунги кунда республика кинотеатрлари репертуарининг асосий улushiни миллий филмлар ташкил этаётганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Томошабинлар орасида ҳам анчагина жонланиш бор. Қувонарлиси, кино ижодкорлар сафи ёшариб борапти. Шу йил премьералари бўлиб ўтган "Бекатдаги одам", "Қўғир келади", "Қўғир", "Сариқ девни миниб" филмларининг режиссёрлари 30 ёшнинг нари-берисидаги ижодкорлар. Бундан

ташқари, "Зумраша" болалар ҳажвий киножурнали туркумларини суратга олиш ёш истеъдодлар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўляпти. Ўзини кўрсата олган ёш сценарийчи, режиссёр, оператор, расом ва бошқа касб эгалари келгусида агентлик буюртмасига кўра ишланадиган бадиий, ҳужжатли филмларга жалб қилинади.

Бироқ бугунги киножараёни кузатсангиз, қилинган ва қилинаётган ишлар баробарида камчиликлар ҳам мавжуд экани ва уларни бартараф эт-

масдан туриб, жаҳон кинеси билан бўйлаша оладиган филмлар яратиш осон бўлмаслиги кўзга ташланади.

Ўзбек киночилари олдидаги долзарб вазифалар сирасига сценарий муаммоси, ижодий таъкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги, кадрлар етишмовчилиги, ёшлар билан ишлаш, экранда замон қаҳрамонини жонлантириш ва миллий кинонинг келажги билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни киритиш мумкин. Бугунги давра суҳбатини мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари қаратсак, назаримизда, ҳар жиҳатдан фойдали бўлади.

Давоми бешинчи саҳифада.



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бободехқон халқимизнинг ризқ-рўз хирмонлари қўққа бўй чўзган айин серфайз куз кулларида пойтахтимизда Х Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўтказилгани бежиз эмас. Зеро, Ўртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка натижасида йилдан-йилга ўзбек толасига талаб ошиб бормоқда. Мустақилликнинг ilk йилларидаёқ пахта етиштириш, уни сифатли саклаш, қайта ишлаш ва харидорларга етказиб бериш борасида ўзига хос тизим яратилди.

Давоми иккинчи саҳифада.

БИЛДИРИШ

Шу йил 22 октябр, чоршанба куни соат 11.00 да Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 25 йиллигига бағишлаб "Тил — миллатнинг гавҳари" мавзусида адабий анжуман ҳамда мушоира ўтказилади. Шоирлар, адиблар, адабиётшунос олимлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Харидорларга сифатли пахта толаси тақдим этиш учун ўзанинг истиқболли навларини яратиш селекциячи олимлар олдидаги долзарб масалага айланди. Эндилқда олимлар томонидан 110 га яқин янги нав яратилди ва улардан 27 таси давлат рўйхатида киритилди. Ушбу навлар эртапишарлиги, толасининг пишқиллиги, рангги тиниқлиги билан ажралиб туради. Мутахассислар фикрича, ўзбек пахта толаси асосий кўрсаткичлар билан бирга НҲИ тизимдаги қўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳам харидоргир экан. Шу боис чет элларда ҳам ўнлаб корхоналар айнан ўзбек толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида қирқдан ошқ пахта тозалаш заводиди модернизациялаш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Бу ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, тола сифатини янада яхшилаш имконини берди. Маълумки, тола баҳосини белгилашда сифат энг асосий мезон ҳисобланади. Шу боис Бремен пахта ассоциацияси ҳамда "Сифат" Ўзбекистон толасини сертификатлаш марказининг "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан биргаликдаги савий-ҳаракатлари билан пахта, тайёр пахта маҳсулотларини таснифлаш тизимининг тақомиллаштирилгани тола сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

— Юртингизда аънавий ўтказиб келинаётган Х Ҳалқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ўзининг бор иштирок этмоқдаман. Ушбу ярмарка соҳадаги энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади, — дейди "Cotton Outlook" халқаро ағнетиқининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Ҳар гал у Ўзбекистонлик мутахассислар билан суҳбатлашиш жараёнида соҳадаги ютуқлардан хабардор бўлам. Бундай ярмарканинг ташкил этилиши биз каби ҳамкорларнинг пахта навларини яратишдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён билан яқиндан танишиш, ўртадаги воситачиларни савдо битимларини тузиш имконини беради. Бу эса йилдан-йилга ўзбек толасига бўлган талабнинг ортиб бораётганини билдиради.

Дарҳақиқат, юксак савидада ўтган ушбу ярмаркада эллика яқин давлатдан мингдан ортққ тўқимачилик ва пахта компаниялари вакиллари иштирок этгани, сўнгги ўн йилда Ўзбекистон пахтасини

экспорт қилиш географияси анча кенгайганидан далолатдир. Бир пайтлар фақатгина Европа давлатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Эндилқда улар сафига Бангладеш, Хитой ва Жануби Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам қўшилгани, бугунга келиб Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса бешинчи ўринини эгаллагани ҳам нафақат юқори сифатли саноатбоп пахта етиштирувчи мамлакат, балки пахта толасини ва унинг маҳсулотларини кафолатли етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида ҳам доврақ қозонаётгани белгисидир.

"Ўзмарказимпекс", "Ўзинтеримпекс", "Ўзпроммашимпекс" давлат ташқи савдо компаниялари қисқа давр мобайнида халқаро пахта бозорининг муҳим



иштирокчиларига айланди. Улар замонавий савдо усулларини қўллаш орқали ўз маркетинг дастурларини амалга оширмоқда. Бу эса ҳамкорларимизга ҳар томонлама манзур бўлмоқда. Яъни доимий шерикларга эга бўлган ушбу ташқи савдо компанияларига ўзбек толасини бутун пахта мавсуми давомида бир маромда етказиб бериш имконияти мавжуд. Биргина Ўзбекистон ва Бангладеш ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, айниқса, тўқимачилик соҳасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланмоқда. Масалан, ўтган йилда пахта толаси импортининг 28 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келди. Бангладеш пахта уюшмаси президенти М.Аюбнинг таъкидлашича, навбатдаги тадбир доирасида эса 175 минг

тонна пахта толаси харид қилиш бўйича келишувлар имзоланди.

Пахтани қайта ишлаш, қўшимча даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар

Ўзбекистон ва жаҳон

нинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда соҳага чет эл инвестицияси жалб этилиб, ҳар йили янги корхоналар барпо этилмоқда. Масалан, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимиди 300 та энгил саноат корхонасида илғор технологиялар жорий этилиб, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари, турфа хил кийим-кечаклар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан дунёнинг бир неча мамлакатига экспорт қилинмоқдаки, бу юртимизда тўқимачилик саноати жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда пахтани нес-нобуд қилмай териб олишга мослаштирилган янги йиғим-терим машиналари ишлаб чиқарилиш ҳам йўлга қўйилган. "Uz Class Agro" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси базасида ишлаб чиқарилган гўза қатор ораларига ишлов бериш, дори пуракш ва чеканка қилиш имконини берадиган замонавий русумдаги техникалар шулар жумласидандир. Юртимиз далаларида бу йил 1200 дан зиёд ана шундай терим агрегатларидан фойдаланилмоқда. "Ритер Ўзбекистон" хорижий корхонасида эса тасмали, тарокли ва йиғирув усуқуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ярмаркада ўзбек пахта толаси намуналари билан бирга кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Айниқса, "Шарқ либослари" дизайнерлик марказининг табиий матолардан тикилган либослар намойиши хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Икки кун давом этган пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунига етган бўлса-да халқаро алоқалар ҳамон давом этмоқда. Зеро, ушбу анжуман пахтачилик соҳаси мутахассислари, пахта толаси савдоси билан шуғулланувчи компаниялар раҳбарлари учун ўзаро алоқаларни ривожлантирувчи мулоқот марказига айлانгани шубҳасиз.

Б. СУЛТОНОВА

21 октябр — Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кун
ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ДУНЁ ТИЛЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 10 декабрда қабул қилган қарори халқимизнинг азалий орзу-хавасининг ифодаси бўлди. Мазкур тарихий қарорга биноан: **"Замонавий педагогик ва ахборот коммукация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш ҳамда бунинг негизиди, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида"**, мамлакат миқёсида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирларнинг дастлабки самаралари мамлакатимиз ёшлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Она тили билан бирга, хорижий тил-

ларда тўқимачилар қилаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Инглиз тилини чуқур ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккури ўсади ва тилини ўзлаштириш орқали она тилидан олган билимларини ривожлантиради. Бугунги кун ўқитувчиси XXI аср киёфасини ўзида тўла шакллантирган, ўз соҳаси эмас, балки фанлараро боғланишни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдон эгаси, нутқи раван, изчил, гўзал адабий тилда сўзловчи, сўзи билан амали бир, жамиятда баркамол, эътиқоди бут, маънавий мафкураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукамал инсон бўлмоғи лозим.

Айни чоғда чет тили таълиминини она тили таълими билан уйғун, киёсий таҳлил асосида олиб боришда ҳам ҳикмат кўп. Бу борада Президентимизнинг қўйидаги сабоқлари бизга доимий дастуриламал бўлмоғи лозим: **"Шунга алоҳида ургу бермоғимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиғи лозим. Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида раван, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин"**. Атоқли ёзувчи-

миз Абдулла Қаҳҳор ҳам ўз даврида чет тилларни ўрганувчи талабалар билан учрашувда унутилмас сабоқларини айтиб кетган: "Сизлар ҳар қаердан келгансизлар, институтни битирганларингдан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга, балки, биринчи навбатда, ўз она тилимизга — ўзбек тилига чексиз муҳаббат тўғрисида олиб боришлар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикру туғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар, қаерда ва қандай шариотда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар".

Биз ҳар бир тилнинг ижтимоий ҳаётимиз ва халқаро муносабатлардаги рутбасини чуқур тушушган ҳолда улардан ўз ўрнида фойдалана билишимиз лозим. Хозир шаҳарлардаги кўргазмалар воситалар, жой номлари, реклама ва эълонларда ўзбек тили имкониятларидан тўқиса фойдаланиш борасида айрим муаммолар учраб турибди. "Жаҳон адабиёти" журналининг 2012 йил 9-сониди мамлакатнинг асосий қудратини белгилувчи ёшлар она тилини билмасликларидан қунон буюқ сибсати ва файласуф Ма-

ҳатма Гандининг давлат тилига оид асарини мутлоа қилиш жараёнида миллий тил ва хорижий тиллар ҳақидаги, давлат тили ва халқаро тилларнинг рутбалари тўғрисидаги тушунчаларни бойитишда бу асарнинг аҳамияти беқиёс эканини англадим. Бинобарин, ўзбек тилини ўқитиш савиясини мутасил кўтариб бориш борасида қиладиган ишларимиз ҳам ҳали кўп. Республика Таълим марказидаги Илмий-методик кенгаш йиғилишларидан бирида Халқ таълими вазирлиғи Бош бошқармаси бошлиғи Й.Асодов ноўзбек синфларда ўқитиладиган ўзбек тили дарсликлари тилшунослар тайёрлаш учун эмас, балки давлат тилида эркин сўзлайдиган, иш юрита оладиган ёшларни камол топтиришни кўзда тутган ҳолда яратилиши зарурлиғига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, бундай дарсликлар бошқа чет тилларини "ўзига тортадиган" бўлиши, уларнинг давлат тилини ўрганишини рағбатлантиридиган даражада мукамал ва жозибали, умуммиллат нигоҳи билан қаралган ҳолда тайёрланмоғи керак.

Шу ўринда хозирги замон ўзбек тилида асрий муомала мобайнида ўрнашиб қолган русий, арабий, форсий сўзларнинг ҳам тил бойлигимизда муҳим ўрни борлигини таъкидлашга тўғри келади. Аслида, улар миллий тилининг бойлиғи ва қудратини таъминлаб турган муҳим воситадир.

Нусратулло ЖУМАХҲА,
филология фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон Ресубликаси Президентининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқибоқ иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари Аҳмад Жабборов ва Марғуба Алмашоваларни қўллаб-қувватлашга бордик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқашунос, "Эл-юрт ҳурмати" ордени, "Жасорат" медали соҳиби Аҳмад Жабборов бизни очик чехра билан қарши олди.

Аҳмад ЖАББОРОВ:

ТИНЧЛИК — КҲНГИЛ
ХОТИРЖАМЛИГИ

— Мустақиллик қуёш экан, — дейди Аҳмад ака қароғлари намланиб, — Қуёш — дов-дарактлар, тоғи-тошлар, ўт-ўланлар, денгизу уммонларга теппа-тенг нур сочгани сингари, истиқлол ҳам барчани кўнглини ёритди, қўллаб-қувватлади, рағбатлантирди. Музлаган юрагимиз илди, зулматда қолган ҳаётимиз ёришди. Йигирма беш йил олдин ким эдик? Бир қатим нурга талпинган, кўзи очик мудраётган миллат эдик. Жумладан, мазкур фармон ҳам ўша мустақиллик қуёшининг, биз — уруш ва меҳнат fronti фахрийларига сочган нури, эзгулик ва бағрикенгликнинг гўзал намунасидир. Телевизордан эшитиб бир таъсирланган бўлсам, газетадан ўқиб икки ҳаяжонландим. Мамлакатимиз ўз фахрийларини шу қадар эъзоз этар экан, демек, мустақиллиқни, хозирги до-риломон кунларни, тинч замонни ҳам асрай олади, керак бўлса ҳар қандай шариотда ҳам ҳимоя қила олади.

— Аҳмад ака, айни вақтда нима-ларни ҳис қилаяпсиз?
— Ўзбекларда бир гап бор: соғлиқ — туман бойлик. Ростдан ҳам саломат бўлсангиз, ҳаммаси яхши бўлади. Айни вақтда ҳаёлимга кўп нарсалар келиб кетди. Бололигим, ўсмирлигим, илк бор қўлимга қурол олганим ва кўз ёшларим... Бунини ифодалаш қийин. Бу дунёда одамнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Истаса борлиқни гулзор қилади. Ёмон бўлса мазорга айланти-рар экан. Бунини ўз кўзим билан кўрган-ман. Лекин, ёмонлик, ёвузлик қанча кўп бўлмасин, барибир яхшилиқ, эзгуликдан енгилди. Мазкур Фармон эзгуликнинг ифодаси бўлди. Бу, аввало, ижтимоий мадад бўлса-да, бироқ, унинг руҳи қуввати биздек фахрийларни қувонтиради. Бу шуни англатадики, бизни эслаб, бизни эъзозлайдиган эзгулик, меҳр зиёда экан. Гарчи, навқирон ёшлигимиз урушда ўтган бўлса-да, хозирги эътибордан кўнглимиз тоғдай кўтарилади.

— Инсон умрида ҳамиша яхши ва ёмон лаҳзалар бўлади. Худди кун ва тун сингари...
— Қадимда икки эркак урушиб қолса, бир аёл (она, опа, сингил, янга, хола ва х.к.) бошидаги рўмолини ерга ташларкан. Халиги урушаётган одамлар дарҳол тўхтаб, бир-биридан уэр сўраб, аёлнинг рўмолини қўлига тутқазиб йўллари равона бўлишаркан. Мен бу ҳикмати урушдадигимда кўп ўйлардим. Наҳот, оналар уруш бошлаган одамнинг олдида рўмолини ташлаши шунчалар қийин бўлса? Ахир, минглаб оналар фарзандидан айрилди, қора кийди, сочини юлди. Ўша пайтлар ёш бўлганман, ахир уруш бошлаган одамларни она фарзанди дейиш мумкинми? Менимча, йўқ. Минглаб, миллионлаб онани боладан, опани укадан айрган қаттоллик кеңибди бўлади? Аёлни йиғлатган, қуйдирган одамни-я?... Саволингизга жавобим: XX аср мени уруш бағрига отди, XXI аср тинч замонда, хотиржам-

лиқда яшаш имконини берди.

— Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, деган ҳикматли гапни шу ерда сиз билан суҳбатда янада чуқурроқ англаяпман.

— Мен ёшларга бир гапни кўп айтаман: Ватанини севиш керак. Худди ота-онани ардоқлаган сингари. Агар қалбингизда юртга муҳаббат бўлса, ҳаётингизга мазмун қиради. Чунки, тинчлик — қалбнинг хотиржамлиғи демакдир.

Зўравонлик... Тобелик... Бу дунёнинг энг қора нуқталаридир. Яқин ўтмишдан бир мисол айтаман. Бу воқеа қаттол замонда юртимиздаги бир мусиқа мактабиди бўлиб ўтганди. Еттинчи синфга болаларга мусиқа сир-асорини ўргатиб, тарбия бериладди. Еттинчи тамо-лагач, келажакда яхши мусиқачи бўлиши аён бўлган ўқувчилар бошқа соҳаларга йўналтирилларди. Бундан қўзланган мақсад — биз учун дунё ашиқларини тақа-тақ ёпиб қўйиш эди. Биз ўзимизнинг тўнимизга ўралиб қолаверган-миз. Эҳтимол, ўша ўқувчилардан яхши ёзувчи, шоир, санъаткорлар чиқиши мумкин эди. Бунга ўхшаш воқеалар барча соҳаларда бўлган. Биз бошимизни эгиб, осмон узок, ер қаттиқ деб яшардик. Мана, сизга қаттол замоннинг адолатсизликлари...

Бугун эса барча соҳаларда дунёни хайратга солаётган ёш истеъдодлар потраб чиқмоқда. Юрт шаънини улуг'ламоқда. Ва биз ўзлгимизни, асли кимлигимизни англаб етаётгирмиз. Ёшларимиз бунинг қадрига етиши керак.

— Рафикангиз ҳам уруш қатнаш-чиси эканлар...

— Ҳа, турмуш уртоғим Марғуба Алмашова ҳам уруш қатнашчиси. Ўша вақтларда Наманганда почтада ишлаб, кейин фронтга отланган. Минглаб, миллионлаб аскарларнинг соғинч хатларини, телеграммаларини жўнатган, не-не "қора хат"ларга гувоҳ бўлган ўша майсадеккин-га қизча бугун муборак тўқсон икки ёшда. Бугун иккита уруш қатнашчиси бир оила. Тўғри, дунё икки тушунчадан иборат. Яхшилиқ ва ёмонлик. Уруш ва тинчлик. Йўлнинг боши бўлгандайди охири ҳам бор. Мен тўғри йўлда эканлигимдан бахтиёрман. Яна ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, ўша он учун бутун ҳаётингни тиксанг арзийди. Мен учун ўша дам юртимизнинг мустақил бўлган вақти. Демак, икки қарра бахтиёрман.

Бир қиз сочин силамай, ота бўлиб ўғил тарбияламай бегона тупроқларда қолиб кетган минглаб йигитларнинг руҳини хотирлаб дуолар қиламиз, жасоратлари олдида боғ эгамиз. Ким учун, нима учун урушга кетаётганини ўзлари ҳам билмаган, бунини анча кеч англаган мард ўғлонлар ҳаммиса қалбимизда яшайди. Бизга таскин ҳам шу... Тириклик — энг буюқ неъмат.

— Самимий суҳбатингиз учун та-шаккур!

Санжар ТУРСУНОВ
суҳбатлашди.

Китобдан яхши дўст бўлмас

ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

Дунёдаги турли миллат ва элатларнинг ўзига хос турмуш тарзи, аънава ва қадриятларидан маълум маънода халқ эртаклари орқали тасав-вур ҳосил қиламиз. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари турли-туман бўлса-да, уларнинг асрлар мобайнида сайқал топган эзгу орзу-ўйлари эртакларида уйғунлашган. Туб мо-ҳияти билан эртаклар беқиёс таълим-тарбия, ҳаётий сабоқ намуналаридир.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан "Инглиз халқ эртаклари" деб номланган рангли-безакли китоб нашрдан чиқди.

Мутаржима Рохила Отабоева таржмасида чоп этилган ушбу нашрдан инглиз халқ эртаклари ўрин олган. Китобда эртакларнинг ўзбек тилига таржмаси инглизча матни билан ёнма-ён берилган. Эзгуликни, ҳушёрликни, меҳр-оқибат ва жасурликни тарғиб этади-ган ушбу асарлар болаларнинг тасаввурини бойитида, уларни мўъжизалар оламига олиб қиради. Шунингдек, эртакларнинг икки тилда босилгани уларни солиштириб ўқиш имкониятини ҳам бера-дики, бу ёш китобхонларнинг инглиз тилида ўқиш кўникмалари шаклланишига кўмаклашади.

Нашринг янада ўқишли ва жозибали бўлишини таъминлаш мақсадида рассом Лайло Башарова томонидан эртаклар мазмун-мо-ҳиятига мос расмлар ишланган.

Саргузаштлар дунёсига ошно этадиган ушбу китоб эртаксевар болажонлар учун ажойиб совгадир.

Вазира ИБРОХИМОВА,
талаба

Ўзбек тили беқиёс даража-да фусункор, дунё халқлари тиллари орасида бой-бадав-лат. Ўз нутқ фаолиятида она тили бойликларида фойда-ланмайдиган одам йўқ. Аммо бисотидаги сўзларни ҳар ким ҳар хил қўлайди. Ёзувчи ва шоирлар эса, тилнинг гўзал-лиғи ва нафосатини имкон-қадар тўлароқ намоён қилиш-га интилашади.

Бироқ баъзан мулоқот жараёнида хорижий тилларга хос сўзларни қўшиб ишлатиб, фикрининг ярмини ўзбекча, бир қисмини инглизча ёки русча ифодалаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу она тилга нисбатан ҳурматсизлик, ал-батта. Эҳтимол, бу тоифа ки-шилар ўзларини "ўта мадания-тнинг" ҳисоблашар, балки "за-монавий" мулоқотга ўзларида мойиллик сезар?...

Илмий манбалардан маъ-лумки, ўзбек тили ташқи ва ички омиллар асосида бойиб боради. Бироқ айрим ҳоллар-да ташқи омилларнинг ўзбек тилига акс таъсир этаётгани кузатилади. Тилшунос олим-лар, нутқ маданияти мутахас-

сислари она тилига хорижий тилга оид сўзларни қўшиб га-пириш нутқ маданиятига зид эканини таъкидлашади. Таас-суфки, озгачи нутқда сакла-ниб қолган хорижий сўзлар миқдори бугун бироз кўпай-гандек таассурот уйғотаётир. Масалан, бугун ёшлар ораси-да "VIP" сўзи оммалашаган. Кимдир "Вактинг борми?", деб сўрасангиз, "Вактим VIP-ку!", деган жавобни ола-

сиз. Ёз кунларининг бирида қўшни дугонамга: "Бизнинг кўчадаги ариқда сув тугаб қолибди" десам, "Нариги кўчага борсангиз, сув VIP", дейди. Аслида, "VIP"дан уяли алоқа тизимида фойдаланила-ди, бу сўз кириш ва чиқиш кўнгиноқлари бепоул алоқа тури эканини англатади. Ҳатто бир мутахассис ўзининг кито-биди "VIP"ни кўп маъноли сўз

Энди юқорида биз келтирган бирикмаларнинг ўзбекча тар-жимасини бир ўқиб кўринг-чи! Тилимизга кириб келаётган бундай "янгилик"лар озгачи нутқ жозибасига салбий таъ-сир кўрсатади. Хорижий сўзларни ўзбекча билан қоритириш, бир-иккита чет тилга оид сўзни эслаб қолиб, она тилимизда мулоқот жара-ёнида ишлатиш маданиятли-

лик белгиси бўлмас, ҳарқалай. Тарғиб-ташвиқотда она ти-лининг аҳамияти катта. Аби-туриентлар тайёрлайдиган қўллаб-қўув марказларининг очилгани ўқувчи-ёшларга

Этимологик жиҳатдан "VIP" инглиз тилига оид бўлиб, "Very Important Person" бирикмаси-нинг ўзбек тилига таржима қилганда "Жуда зарур одам", деган маънони англатади.

яхши ёрдам бераётир. Бун-дай марказларнинг номла-

ниши эса, исми жисмига но-муносиб туюлади. Масалан, "Jahon Study", "Ziyo Study". Бу каби марказларда бир йўла тўққизта фан бўйича ўқувчи-ларни кафолатли ўқитиш ваъ-да қилинади. Бироқ номининг ярми ўзбекча, ярми инглизча бўлгани билан марказнинг ну-фузи ошиб қолмайдик-ку. Гўё шу тахлит ёзилса, талабгор-лар ёғилиб келадиандек.

"Study" сўзининг биринчи маъноси "ўрганиш", иккинчи-си "дарсхона"дир. Фараз қилайлик, бирор хорижлик зиёли рекламадаги ёзувини "Зиё ўрганиш" деб ўқиса, эн-

саси қотмасмикан?

"Jahon Study", "Ziyo Study" каби номлардан кўра "Jahon o'quv markazi", "Jahon mash'ali" ёки "Ziyo-ta'lim", "Ilm-Ziyo" каби номлар жаранглироқ эмасми?

Бугун хорижий тилларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётгани ёшларни дунё билан яхшироқ таништи-ришда муҳим омили бўлмоқда. Бу имкониятдан кимнинг қан-дай фойдаланиши маданий савияга боғлиқ. Аммо бундай кулалйликларнинг ҳаётга тат-биқи асло она тилига эъти-борсизлик эвазига бўлмасли-ги лозим.

Нафиса ҚОРИМОВА,
ЎЗМУ КОШИДА,
2-сонли лицей ўқувчиси

Икром НАРЗУЛЛО



ОНА СЎЗ

Табиат сўзига қўшамиз кўпроқ,
Унинг азизлигини англамоқ учун.
Бу сўз оҳангиди йўқ эрур мудрок,
Бу сўз англатди муборақлигин.
Онани эъозлаб яшайди башар,
Унга интиқ яшар ҳар бир тирик тан.
Шул сабаб янада муқаддаслашар
Она сўзи қўшиб айтилса Ватан.

САМАРҚАНДИМ

Эй Самарқандим,
Эй қадим шаҳрим.
Беҳишт билан ораси
Бир одим шаҳрим.
Ҳофиз айтганидек,
Сайқали заминсан.
Бағриндан сочилгай
Мудом нур, зиё.

Шоҳсанам ҚАЮМОВА

КЎРМОҚ БЎЛСАНГ
ЎЗБЕКИСТОННИ...

Аланга чулгансин юрак,
Ёруғ ҳислар тутсин осмонни.
Ёниқ сўзни танламоқ керак,
Ёзмоқ бўлсанг, Ўзбекистонни.

Бунда яшар виждони уйғоқ,
Нурга ўраб ҳар битта тонгин.
Ёш авлодининг кўзларига боқ,
Кўрмоқ бўлсанг, Ўзбекистонни!

ОНАМГА МАКТУБ

Мен фарзанд бўлдимми, дилбанд бўлдимми,
Бағринга сўнгги бор қачон қўйдим бош?
Туғилган кунингда йўқлаб келдимми,
Оламдод бормикан мендай бағритош?
Чанг кўча, чанг кўча, ҳоли танг кўча,
Изими изиллаб излаб тургандек.
Оқ ойга қўшилиб ҳар тун, ҳар кеча,
Соғинган ҳисларим кўкда юргандек.

Сен эса ўйлайсан: бу йўлни болам,
Унутиб қўйганга ўхшайди чоғи.
Бу йўллар хотирдан ўчмайди, она,
Мен фақат ўзбекнинг индамасроғи.

Юлдуз ЗОИРОВА

КЎНГЛИМДЕК
ҚОЯЛАРИДА...

Дунёнинг кўнглимдек қояларида,
Сенинг қадриг билан қадимни келдим.
Ҳар лаҳза илҳомнинг ишқиди сармаст —
Дурдек мисраларни кўнглига тердим.

Шу сабаб гўзаллик бўлди сирдошим,
Сен билан дунёни алқасам дердим.
Умрим гулзориди яшнаган гулим,
Онамнинг меҳридай покиза шеърим.

Ҳар сатрим жонимдан отилган оташ,
Рухимни чулганган қуюнсан тенгсиз.
Юрагим тубига қаланган олов,
Мен қандай яшайман ўзинг айт, сенсиз?

Умримни пойинга тўшасам ҳам оз,
Эркалим сенинг оҳангинга хос.
Зулфия онамга ўхшасам бироз,
Ўзинг менга бахтдан абадий мерос.

Орзуим мавжланиб жўшганда мудом,
Айлан, эзулиқнинг дояларига.
Қўлингдан етаклаб олиб чиқаман,
Дунёнинг кўнглимдек қояларига.

ТУПРОҚ КЎЧА, ОЙ КЎЧА

Баҳор муҳаббат фасли,
Севи, салоқат фасли.
Билсангиз, чин муҳаббат —
Фасл танламас асли.

Абад фахр қилсин
Сен билан дунё,
Бебаҳо шаҳрим.
Ҳар тонг ўзин ураб
Бағринга қўёш.
Ҳар кеча малаклар
Сен билан сирдош,
Авлиё шаҳрим.
Пойингда мавжланар
Олтин, зар эҳси —
Зарафшон дарёси.

Бағриндан эсар
Шарқ шабодаси,
Қадрдон шаҳрим.
Европани кездим,
Хорижда бўлдим.
Меҳрини олисан
Терапроқ сездим,
Дурдона шаҳрим.
Олам ичра тенгсиз
Бир дона шаҳрим,
Эй Самарқандим!..

ВАСЛИНГ

У бир наво, тузиб бўлмас,
У бир дарё, сузиб бўлмас,
У бир саҳро, кезиб бўлмас,
Лекин умид узиб бўлмас.
Недур васлинг, оташму ул,
Синовларга бардошму ул,
Ҳижронларга йўлдошму ул,



Мен сенга ҳар тонгдан саодат сўраб,
Меҳримни бир изҳор этмай ўтпман.
Юксак чўққиларга интилиб, чорлаб,
Соғинчга сир бермай қўйлаб кетяпман.

Мана шу тупроққа экилган баҳтим,
Меҳринг тутиб турар ориққан танин.
Мен Ватан деганда сени тушундим,
Сени англаганда билдим, Ватанин!

Шоҳсанам ҚАЮМОВА 1992 йили
туғилган. Гулистон давлат университе-
тининг филология факултети
талабаси.

Жазирама паллада—
Офтоб юзни куйдирди.
Юзларининг кўёши—
Юрагимни куйдирди.

Тупроқ кўча, ой кўча
Муҳаббатга бой кўча.
Туйғуларни эркалар —
Юлдуз кеча, ой кеча.

Баҳор бўлди, ёз бўлди
Севгидан овоз бўлди.
Тупроқ кўча, ой кўча
Бирам сарафроз бўлди.

Ўша гўзал кўчалар
Ишқимни ўқиб қолди.
Менга хаёларастлик,
Бахт дарди юқиб қолди.

Баҳор бўлди, ёз бўлди
Севга бўлди, ноз бўлди.
Севиниб юрагим —
Ажаб бўлди, соз бўлди.

ЎЗЛИК

Мен ўзимдан мени излаб кетаяпман,
Мен ўзимдан сени излаб кетаяпман.
Ахир қандай борай қонингга ишқсиз?
Иккимиздан Уни излаб кетаяпман.

Билки, инсон бўлиб англаганим Сен,
Кўнглининг йўлида танлаганим Сен.
Менинг билганим Сен, билмаганим Сен,
Мен умримдан шуни излаб кетаяпман.

Ичимдаги ичимдадир увол бўлмас,
Бор қудрат сўз кучиндадир завол бўлмас.
Икки дилга икки шуъла малол бўлмас,
Ишқимизни Унга сўзлаб кетаяпман.

Юлдуз ЗОИРОВА 1993 йили туғилган.
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
соҳибаси (2011 йил). Ўзбекистон Миллий
университети филология факултети
3-курс талабаси.

НУРЛИ ИЗ ҚОЛДИР

Лекин умид узиб бўлмас.
Висолингни ўйлайман мен,
Юрагимни қўйлайман мен,
Дил изҳорим сўйлайман мен,
Сендан умид узиб бўлмас...

ТАБИАТ

Забон ато этди гўзал табиат,
Ажиб тил ўргатди дарахтлар сўзсиз.
Бағрига талпиниб бормайин қай вақт
Таскин бера олди ҳеч бир овозсиз.
Ҳар фасли менга кўп ташбеҳ ўргатди,
Ватанга фидойи эканин кўп бор
Қузда у ялангтўш бўлиб кўрсатди,
Ўргатди яшашни кенг ва беғубор.
Ўқитди оламни сўзсиз англашни,
Гўёлар шивирин сокин тинглашни.
Кўрсатди баҳор, ёз, куз ва қишда,
Рангларнинг минг турли товланишини.
Шоир этди мени гўзал табиат,
Ўргатди, англатди бари-барини.
Кўрсатди у азиз гўбор, чангларни,
Қандай кутмоқ лозим оппоқ тонгларни.

КУЗ

Гулзорни тарк айлаган
Булбул,
Япроғидан айрилган
Бир гул,
Бешафқат бу ҳазон сипоҳи,
Боғлар аро япроқлар оҳи.

Узумзорлар —
Шикаста кўнгил.
Қари ялпиз —
Дилхаста сингил.

Вақт қасрида
Мезон шамоли.
Ҳамма ёқ тинч,
Хилват ва холи.
Ун тортар бир тегирмон —
Вақт
Ҳосилини қилар сарҳисоб.

ПАХЗАЛАР

Одимлайсан
Жуда ҳам енгил,
Аммо тезкор қадамларингдан
Ларзага келмоқда
Титраб бу кўнгил.
Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам
Пешонамдан ўтиб қайтасан.
Қара, пешонамга
Ботган қатор-қатор
Изинг бор, эй вақт.
Асли мен ўткинчи,
Сен-да бетоқат...

ДИЛДАН СЕВСАНГ...

Соғинган кўз, интизор юрак,
Йўлларингга муштоқман гарчи...
Соғинчларни бардошга ўраб,
Ҳижронлардан ўргум арғамчи.

Ҳа, бу шундай ишқий бир ҳолдир,
Ахир қайноқ юракнинг ўзи.
Дилдан севсанг, нурли из қолдир,
Ёруғ бўлсин севгининг юзи.

ТУН

Эсаётир майин шаббода,
Сайрамоқда тун чигирткаси.
Мен кезаман хаёлий боғда,
Кучоғимда кўнгил эркаси.
Япроқларнинг секин шивирини,
Порлоқ юлдуз ҳамроҳдир менга.
Кўзларимда умид сурури,
Тонг — гўзал қиз, муштоқман сенга.

ҲИҚМАТ

Бобом айтган афсонага
Ўхшайсан, дунё.
Момом айтган ривоятнинг
Ўзисан гўё.
Эшиқларнинг очилиб
Ёпилган чоғи
Гоҳо тонг отади,
Гоҳ тун — зим-зиё...

Икром НАРЗУЛЛО 1974 йили
туғилган. Самарқанд давлат
университетиди тахсил олган.
Шеърлари марказий нашрларда чоп
этиб келинмоқда. "Вақт изи" шеърини
тўплами нашр этилган.

О' ГЕНРИ

ДИЙДОР

Ота одатдагидек ишдан кеч қайтди. Ҳорғин гавдасини аранг
судраб остона хатлади. Бўсағада мижжа қоқмай кўзлари тўрт
бўлиб, уни интиқ кутаётган беш яшар ўғли қарши олди.

— Салом, дада! — деди у қувончдан кўзлари порлаб.
— Салом, бўталоғим, халиям ётмадингми?
— Йўқ, — дея жавоб берди бола ва сабрсизлик билан сўра-
ди: — Дада, майлими, сизга савол берсам?
— Майли. Қани эшитайлик-чи, оромингни ўғирлаб, алла-
маҳалгача сенгинани йўлимга интизор қилдирган қандай сав-
ол бўлди у?

— Бир соатда қанча пул ишлайсиз? — кўзларини пирпира-
тиб болаларга хос содда самимият ила сўради болакай.
Беш яшар боланинг кутилмаган саволи отани танг қолдир-
ди-ю, туриб-туриб жаҳлини чиқарди.

Бемаҳалда бошқа бўлмагурроқ савол тополмадингми? Қола-
верса, бу сенинг ишинг эмас, шумтака.
— Дада, илтимос, мен шунчаки билмоқчи эдим, айта қолинг,
бир соатда қанча пул топасиз? — оёқ тираб олди болакай.

Боланинг ҳукми пошшонинг ҳукмидан устун эмасми, ота
қараса, жавоб бермаса бўлмайдиган, жовдираб тикилаётган
беғубор кўзлар билан нигоҳи бақамти

келганида кўнгли ийди ва:

— Бир соатда 20 доллар ишлайман,

кўзим, — дея жавоб қилди у боласининг
бошини силаб.
— Яшасин! — қичқириб юборди кичкинтой. Дада, менга 10
доллар қарз бериб тура оласизми?

Буниси ҳаммасидан ошиб тушди ва дарғазаб отанинг сабр
косаси тўлиб, ортиқ жаҳлини ўзини тутиб туролмади.
— Ие, тагин яна нимани ўйлаб топдинг. Қаердаги кераксиз
ўйинчоқларни сотиб олишим учун дадам 10 доллар беради,
деб ўйласанг, чучварани хом санабсан. Қани ҳозироқ ўрнингга
бориб ёт охириг пайтларда қанчалар худбин бўлиб кетганинг
хақида бош қотчири кўр! Мен ҳар кун бетиним меҳнат қила-
ман ва жоним халқумимга келиб аранг уйга қайтаман. Сенинг
хархашаларинг ва инжиқларингни кўтаришга тобим йўқ!

Мўлтираб тикилиб турган кўзларга ёш қалқди. Болакай
индамай ортига ўғирилди. Чарчаган ота дам олгали ўрни-
га чўзилди, бироқ ҳар қанча ҳориган, жисмонан эзилган
бўлмасин, ҳадеганда кўзларига уйку инай демасди. Асаб-
лари дош бермай, боласига ноўрин бакиргани учун кўнгли
бузилди. "Тун ярмигача ухламай, топган саволини қаранг.
Кизик, 10 доллар унга нега керак бўлиб қолдикин?". Шу
йўсинда орадан бир соат ўтди. Ота у ёнига ағдарилди, бу
ёнига ағдарилди, лекин кўзлари илинмади. Бу туришда са-
ҳарга довуруқ ухломаслигини англаб, ўрнидан турди. Ҳову-
ридан тушган ота сокин ўй сурар экан: "Чиндан болам шу
10 доллар муҳтож бўлса, мен жигангўшамни гапини эшит-
май туриб, кутганини ҳам рўйхотир қилмай уришиб бер-
дим", дея кўнгли хижил бўлди.

У ўғлининг хонаси томон йўналди. Эшикни секингина очиб:
— Ухлаясанми, болажоним? — деб сўради.

— Йўқ, уйғоқман, дада.

— Сенга нисбатан ноҳақлик қилдим, кўполлик қилганимни
тушундим. Мендан хафа бўлмадингми? Баъзан катталар ҳам
хато қиладилар. Мана сенга 10 доллар, энди эски гиналарни
унутамиз.

Бола пулни қўлига ҳам олмай, чопқиллаб бориб ёстигининг
остидан бир даста ғажимланган пулларни чиқарди. Ўғлининг
ҳаракатларини сукут сақлаб кузатиб турган ота хайратда эди.
— Шунча пулинг бор экан, мендан тагин 10 доллар сўрага-
нинг нимаси, бўталоғим?

— Пулим борлиққа бор эдикуя, аммо етмасди-да. Мана энди
20 долларим бор. Дада, мен бир соат вақтингизни сотиб ол-
моқчиман. Эртага уйга вақтлроқ келинг, бирга овқатлансак,
девдим...

Инглиз тилидан
Шаҳноза РАҲМОНОВА
таржимаси

ВАТАН СУРАТИ

Терактларнинг учига осилиб тур-
ган нур тоғларни ўзини сойга таш-
лаб, чўмила бошлади. Яна бир
нур, войишда ёнбошлаб ухлаётган
узумлар юзини силади. Бошқа
бир парчаси сув сепиб супурилган
хавли саҳнига чўзилади. Қўллари-
даги хивчинлари нур
толасидай бўлган,
ҳозиргина уйғонган
таътилдаги болакайлар

сигир, қўй ва эчкиларини подага
хайдайди...

Қишлоқ одамлари аллақачон ўз
юмушларига шўнгинган. Биров лой
хандакда тупроқ ивитиби қўйган
бўлса, бошқаси сомон ташийди.
Кимдир қозондаги сутни шопириб-
шопириб пишираётган бўлади.
Тушларини нур сув сепган анҳор-
ларга айтган сулув қизлар дала-
ларга ошиқади. Ортларидан қўшиқ
эргашади: Сочларим толимига
тушди қўзинг... Бу қизларга яна
бир жонивор ҳам ҳамроҳ эргаша-
ди. Бу худди опаларини қўшни йи-
гитдан қизганувчи жасур укалар-
дай Олапар бўлади.

Офтоб кўкдан, одамлар ердан
туриб бир-бирларини сўзсиз ал-
қайдилар, сўзсиз тушуна боради-
лар. Одамларнинг юзларида сара-
тону кузакнинг муҳри ва меҳри из
қолдиради. Ҳовлида эса... супа-
нинг офтобруй кунжида мушук пи-
накка кетган, олтидан ясалгандек
митти жўжаларини у ёқдан бу ёққа
етақлаб юрган она товук ҳам ўз
юмушларига кўмилади. На дала, на
уй юмушлари ўзига тегишли
бўлмаган иштончанг болакай эса
ҳар замонда бидирлаб бобосини
гапта солади, нималарнидир
сўраб, туганмас саволларини так-
рорлайверади. Дарахт соясида
кўрпа қавиб ўтирган момоси эса
уни "улим" дея суюб-суюб қўяди.

Ҳовлининг этагида дарахтга осил-
ган, тол саватга қурт териби, усти-
га оқ сурп ёпиб қўйилган, унинг
тагида ёрилган ўтинлар сочилиб

илиб, қай бири юз кило пахта тер-
ган, қай бири юздан ҳам оширган
самбиттолдай қизлар қайтавера-
дилар. Йўлларига номозшомнинг
парилари сув сепган бу санамлар-
нинг юз-кўзларида ҳаяжон ҳам,
шарм ҳам, севиғи ҳам бўлади. Буни
ботиб бораётган офтоб
кўради, кўрганини би-
ровга айтмай қулиб, та-
бассум қилиб уфқ сари

йўл олади. Бир нечта қизалоқлар
эса, халиям "бештош" ўйнашмоқ-
да — оламда беташиш болалик
шу бештошлардай бу ёқдан у ёққа
сапчийди.

Қуёшнинг бугун ҳам саҳийлиги ту-
тиб, тоғ бағрига чўка туриб нурла-
рини уфққа экиб кетади. Бу илти-
фотдан осмоннинг юзи қизаради.
Сигирлар соғилиб, товуклар катак-
ларга кириб, бир нечаси дарахтга
чиқиб ўз жойларини эгаллайди. Ос-
мон эркатойлари — ўн беш ёшли
само қизлари кўлларида шам кўта-
риб чиқиб келаверадилар. "Ҳой, юл-
дузлар! Бугун кечагидан ҳам гўзал
оқшом чўккан бу диёрга бир нур
улашайлик," дегандай бир ажаб са-
долар қишлоғу кентлар оша эши-
тилаверади. Нур ҳовлига қилинган
гуллар жўягидаги сувда ўзини оро-
лайди, деразадан ошиб, бир-бири-
нинг пинжига кириб ухлаётган,
қўйлақчан болалар юзларидан ўпиб
қўяди. Оқшом сокинлигини, ҳовли-
да юрган шамолнинг енгил қадам-
лари ва чигирткаларнинг бир ма-
ромда чириллаши босиб кетади...

Ҳар куни тонгдан тунгача, тун-
дан тонгача мана шундай, кундуз-
лар меҳрга, кечалар нурга чўмиб
ўтади. Бу ерларда, ҳар бир туйғу-
нинг ўз ранги ва бўйи бор. Ҳеч бир
суратга сиймайди, балки, юраклар-
га ўйилади.

Ана шу менинг Ватанимнинг мен
кўролган бир кунлик жамолидир.

Камолат ШАМСИДИНОВА,
ЎЗМУ талабаси

Асқад МУХТОР

КЎНГИЛ КЎЗИ БИЛАН...

Ботирнинг жасорати ва дононинг сўзи унутилмайди, дейдилар. Бу ҳикматнинг чинлигига ҳалқимизнинг шонли тарихидан, аллома аждодларимиздан кўплаб далиллар келтириш мумкин.

“Опа-сингиллар”, “Туғилиш”, “Чинор” сингари романлари, “99 миниатюра”, “Карвон қўнғирғи” каби шеърый китоблари билан ўзбек адабиёти равнақига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб Асқад Мухторнинг “Уйқу қочганда” рисоласида жамланган теран фалсафий ўйлари китобхон маънавий оламини бойитадиган куйма фикрлардир.

Устоз адиб бу рисоласини “Тундаликлар” деб атаган. Унда жамланган битиклар қалбни бедорликка, тафаккурни фаолликка қорлайди, мавжудлигимиз моҳияти, ундан кўзланган мақсад-муддаодан сўз очади. Устоз адиб “Тундаликлар” идан танланган ушбу дурдона мушоҳадалар мутлоаси теран ўй-хаёллар дунёсига етаклаши тайин.

Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.

Тошнинг бардоши эр.

Дентиз, гўё Ерни ҳушига келтирмоқчидек, ҳадеб қирғоққа сув сепарди...

Одиссей арвоқларни ўзи билан сўхбатлашишга кўндириш учун уларга ўз қонидан берил тирилтиради. Ўзвучи тарихий шахслар ҳақида ёзганда шундай қилиши керак.

“Муз ўчиб қолди!” деди бола сувда эриб кетган муз парчасини кўриб.

“Биз XII — XIV аср Дашти Қипчоқ (Олтин Ўрда) туркий адабиётини негацир яхши ўрганмаймиз. Вахланки, бу адабиёт (Кутб, Сайфи Саройи, Ҳисом Котиб) соф туркий тил, халқчилик жиҳатидангина эмас, умуминсоний мундарижаси билан ҳам катта эътиборга лойиқ. Биргина “Жумжуманом” достонини олинг. Ҳисом Котиб уни Фаридиддин Атторга (“Жумжуманом”) тақдид қилиб ёзган. Замондоши Дантенинг “Инсон комедияси” билан таққосласангиз, жуда антика фикрларга келасиз. (Масалан, дунёни вертикал ҳолда олиб, яъни ҳамма замонларни бир вақтга жамлаб (хронотоп), абадиётда урчиштириб тасвирлаш...) Бу икки муаллиф бир-бирини билмай туриб, маънан жуда оҳангдош асар ёзганга ҳайрон бўласиз. Алишер Навоийдан олдинги туркий тилга кулук солинг:

Чун ки келдинг дунё — кетмоқ керак,
Бор кўчинг етганча хайр этмоқ керак!
(Ҳисом Котиб)

Сўнғакка илиқдор, эранга билик,
Биликис эран ул — сўнғак беилик.
(Адиб Аҳмад, XII аср)
(Дарвоқе, “Инсон комедияси”нинг мотивлари Ал-Маарридан бўён давом этиб келади.)

Ёзувчи ёлғоний тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади.

Шамол шамни ўчиради. Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки ҳушторлиқни совиштиш мумкин, чин муҳаббатни ўт олдиради.

Ҳақиқат — Худодир: уни ҳамма билади-ю, ўзини ҳеч ким кўрмаган.

Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон.

Даҳолар ўз касблари доирасидан чиқиб кетдилар. Фалончи — шоир, фалончи — олим, аммо Навоий — Навоийдир, Эйнштейн — Эйнштейн.

Қалам сўзнинг соясини чизади.

Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

— Сизга театр ёқадими, киноми? — деди мухбир.

— Сизга одам ёқадими ё унинг сояси? — деди адиб.

— ...Баъзи одамлар бўладики, ўзидан сояси тузуқ, — деб ҳазил қилди мухбир ҳам. Кудилар.

Илгари мен абстракт санъатни тушунмас ва ҳазм қилолмас эдим. Инсон самога ўчиб, космос даври бошланган, бу санъатга қизиқиб қолдим. Абстракт санъат Космос образининг эстетик ибтидои бўлсамикан?

Талант ҳақида кўюниб гапирганларнинг ҳаммаси ҳам талантли бўлавермайдилар. Чунки ҳеч ким ўзини талантсизман, деб ўйламайди.

Мих болгадан қочиб қутуламан деб, тахтага кириб кетди.

Бой бўлиш учун кўп нарсани қурбон қилиш керак: ҳаловат, саломатлик, гоҳ балки виждон ҳам... Йўқ, менинг бунга қурбим келмайди, мен унчалик бадавлат эмасман.

Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзима бождир.

Ишламаган тишламайди, дерди амалдор. Ўзи эса ҳамон тишларди. Чунки унинг иши шу.

Табиат — яхшилик ва гўзалликнинг бево-сита ифодаси.

Дехқон меҳнати — ҳаётнинг илоҳий ақида-си.

Одамлар сени билмаса ҳам, сен одамлар-ни бил.

Умр ибрати



Қадимда бир донишманд айтган экан: “Мен вақтнинг нима эканини биламан. Аммо “Вақт нима?” деб сўрасалар, айтолмайман”. Назаримда, шеърят ҳақида ҳам худди шундай айтиш мумкин. У бениҳоя, у битмас-туганмас...

У ўз сўзига ўзи ҳужайин: бугун беради, эртасига қайтиб олади.

Шоир учун асосий иш — кўнгли кўзи билан кўриш; қоғозга тушириш эса — касб.

Ёлғончининг ёлғончилиги — унинг энг ён-гил гуноҳидир.

Худо инсонни бир умр бахт излаш азоби билан жазолаган.

Овидий “ёлғизлик бахти”ни мақтаган. Буюк шоир кечирсин, мен учун ёлғизликда қўнган ҳузур-ҳаловатнинг алами оғир.

Таржимондан аниқлик талаб қилинг. У чиз-макаш эмас, расsom!

Қариликдан қўрқма, унга ҳали етиш керак!

Шундай йилларни кўрдикки, бахтли бўлиш уят эди.

Физикада оқибат сабабга тенг. Ахлоқда ҳам шундай.

“Вақт ўтпти!” деймиз сал ҳазинлик билан.

Бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтпмиз...

Истеъдод нимагини, таркибий қисмларини билмайман-у, тасаввур салоҳияти унинг жуда муҳим жиҳати эканига аминман. Биз қаҳрамонларимизни, уларнинг ҳаракат ва вазиятларини аввал тасаввур этамиз, кейин тасвирлаймиз. Жюль Верн ўзи кўрмаган шаҳарларни, масофаларни, ўлкаларни тасвирлаган, унинг бу тасвирлари ҳақиқатга яқин; Жонатан Свифт Марснинг йўлдошларини улар кашф қилинишидан 150 йил олдин тасвирлаган, Беруний Америка қитъасининг борлигини Колумбдан 450 йил аввал тахминлаган. Тасаввур салоҳияти адиб истеъдодини фан билан яқинлаштиради.

Сукротнинг “Республика”си, Форобийнинг “Мадинат ул-фозила”си, Томас Мурнинг “Утопия”си, Кампанелланнинг “Кўёш шаҳри”, Беконнинг “Янги Атлантида”си, Кабекнинг “Икаррияга саяҳати”... Дунёда шундай ўнлаб асарлар бор. Булар — ижтимоий утопиялардир. Диний-ахлоқий, фанний-техникавий ва севги-муҳаббат утопияларини айтмайсизми! Булар — инсон орзу-хаёлининг эзгу парвозлари. Бизнинг “утопия” — “хаёлпарастлик” деган атамаларимиз уларни ерга атариш. Аслида, булар одам-зоднинг идеал изланишидир. Идеал эса ҳар қандай тараққиётнинг гарови.

Донжуанлар, фаустлар, мажнунлар, прометейлар, исқандарлар, жюльетталар кўп бўлган. Лекин уларни фақат Байрон ва Пушкин, Ҳёте ва Ҳайне, Навоий ва Низомий, Эсхил ва Шекспир номлари билан боғлаймиз. Бошқа муаллифларда булар ҳаётда ёки тарихда бўлган нарсалар каби қабул қилинади. Фақат даҳолар қўлга тушгандагина “факт” муаммога айланади. Биз энди буни классика деб атаймиз.

Шеърни таҳлил қила бошласалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?

Шарқ шеърятини — муҳаббат ва меҳр тўла, гўзал ва ҳассос, юксак бадий рамз ва таш-бехларга бой, эркин, инсоний, теран фалсафий, анъанавий романтик шеърят. Қадимдан шундай. У асрлар давомида Фарб адабиётининг романтик руҳини бир неча бор қутқариб қолдирилган.

Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бириктириб кетган — асар унинг субъекти. У бошқа ишда ҳам ишлаши мумкин, аммо унинг моҳияти, эҳтироси — ижод. Қобилияти қанча катта бўлса, шунча катта қуч сарф қилади. У — беихтиёр фидойи; ҳам бахтиёр, ҳам бахтсиз — бу унинг иродасига боғлиқ эмас.

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

Габриэл Гарсиа Маркес

БУ ҚАДАХ ПОЭЗИЯ ШАРАФИГА

Мени ушбу мукофот билан тақдирлагани учун Швед академиясига ташаккуримни билдираман. Бу мукофот мени китобхонлик йилларимда менга йўл-йўриқ кўрсатган ва маънан бойитган, қолаверса, ёзувчилик касбининг кундалик машаққатли азобларини тотган кўплаб адиблар билан бир қаторга қўяди. Уларнинг номлари ва китоблари бугун соябондек мени ҳимоя этади, айти пайтда зим-мамга масъулият юклайдики, бу мажбуриятларни биз шараф сифатида қабул қиламиз. Бу юксак ва бешафқат шараф, назаримда, уларга хос адолат амали бўлиб туюлади. Бироқ мен ўз-ўзимча буни бизга тақдирнинг қутилмаган тухфасидек насиб этган сабоқлардан бири қаторида қабул қиламанки, бу икдор бизнинг ўйинда бир восита эканимизни аён кўрсатади, ягона ва севинчдан холи тухфа эса аксар ҳолларда тушунмовчилик ва унуттишга айланади.

Шунинг учун ҳам сирли тарзда, зимдан, доимо менинг меҳнатларим асоси бўлиб келган, бизнинг яқдрилигимизни ташкил этган моҳият билан биз тўнлаб келадиган жойда мендан нима қуттишлари ва ижодимни муҳофаза қилишлари ажабланарли ҳол эмас ва, бу афтидан, ўта қаттиққўл ҳакамлар маҳкамаси эътиборини тортмай қолмаган. Сохта камтарликка берилмай тан оламани, бу мукофотга лойиқ-лигимни англашим осон бўлгани йўқ ва ишонгим келадикки, бу, айти пайтда, айнан мен истаган нарсалар. Дўстлар, мен бу тантана поэзияни янгилаш шарафлаш эканини ишонгим келди. Поэзия, қария Хомер “Илиада”да қўйлаган, шамол сон-саноксиз кемаларни қувган, уларни вақтдан ўзиб, яшин тегизлигиде сузишга мажбур этган қуч. Поэзия, Дантенинг нозик уқликлари саҳнада турган ва уларнинг ўрта асрларда бекиёс захматли меҳнатини акс эттирган қўзғу. Поэзия, буюк Пабло Неруда шеърятини бизни Американинг “Мача-Пикча” чўққилари қадар буткул ва сеҳрли тарзда юксалтирган, бизнинг асрий орзу-армонларимиз оқиб ётадиган дарё. Хуллас, поэзия — бу кундалик ҳаётнинг сирли қуч-қувватики, у севгига мубтало этади ва кўзгуларда тимсолларни акс эттиради.

Мен ҳар бир ёзувчида имкон қадар поэзиянинг кўздан қочадиган руҳини илғашга, сўзда ўз эътиқодимнинг далилларини ва ўлимнинг қора қучлари устидан муқаррар ғалабасини муқаррарлашга интиламан. Ҳозир менга тақдир этилган мукофотни қаноат ва мамнулик билан, менинг саяҳат-ҳаракатларим бечасар кетмагани тасдиғи сифатида қабул қиламан. Шу боис барчангизни ҳар икки Американинг буюк шоири Луис Кардос-и-Арагон таъкидлаб айтган — инсоннинг ерда мавжудлигининг ягона аниқ далили: поэзия шарафига қадаҳ қўтаришга даъват этаман.

Ташаккур.

Жаҳонга машҳур колумбиялик адиб Ўзидан бой ижодий мерос қолдирган, асарлари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, ўзбек китобхонларига ёзувчи “Юз йил танҳоликда”, “Бузуқнинг қузи” сингари мумтоз романлари билан яхши таниш.

“Бу қадаҳ поэзия шарафига” сарлавҳали маърузасини Г.Маркес Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида 1982 йил 10 декабрда Нобел мукофоти билан тақдирланиш чоғида ўқиган. Улуғ адибнинг дил изҳори унинг адабиётга, хусусан, поэзияга улкан эҳтироси ва садоқатини тасдиқлайди.

«МУБАЙЯН» ВА НАСРИЙ БАЁНИ

Улуғ қомусий аллома, мумтоз шоир, маърифатли фақх Заҳририддин Мухаммад Бобур қаламига мансуб икки асар “Шарқ” нашриёт ва акциядорлик компанияси Бош таҳририятида нашр этилди.

Китобдан муқаддас ислом динининг асослари баён этилган “Мубайян” асари ва насрий баёни ҳамда атоқли нақшбандия шайхи Хожа Убайдуллох Ахрор ҳазратларининг “Рисолаи Волидийа” асари назмий таржимаси ва шарҳи ўрин олган.

“Мубайян” асари Темурийлар даври ижтимоий, оилавий, хусусий ҳаётдаги илмий, маърифий, диний маданиятнинг назмий ифодасидир. “Мубайян” ва “Рисолаи волидийа” асарлари насрий баёни ҳамда назмий таржимаси ва шарҳлари таниқли шоир М.Кенжабек тайёрлаган. Нашрга Абдулдузиз Мансур муҳаррирлик қилган.

Собиқ шўролар замонида “Мубайян” ва унинг мазмунлари халқдан яширилган эди. Фақат истиқлол даврида бу асар таниқли олим Саидбек Ҳасан ва Ҳамидбек Ҳасан томонидан махсус сўзбоши ва изоҳлар билан чоп этилди.

Мумтоз шеърый тил намунаси бўлган “Мубайян” асари насрий баёни билан бирга янги-гидан тайёрланди. Олдинги

нашрлар зарур ислоҳлар, шарҳ ва илова-лар билан тўлдирилган, қўлёзма нусхаларда ўтган баъзи шахву хатолар эски китобларга қўйилган тўзатирилган.

Китобга ёзилган “Бобур Мирзо — буюк фақх” сарлавҳали сўзбошида “Мубайян” асари ҳақида шундай бир тарихий таъриф келтирилган: “XVI аср таъкирларидан бўлмиш Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққий аҳоб” (“Севимли зотлар ёдномаси”) асарида айтилади: “Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз хусусида ёзган рисолати (“Рисолаи аруз”) бир денгиздирки, ичи жаҳоҳиру дурлар билан тўладир. Фикҳ масалалари-

ни яна бир рисолада мубайян қилганки, ёзувчиси донишмандлигидан нишондир. Туркий ва форсийда яхши шеърлари бордир. Ушал фикҳ рисоласининг номи ҳам “Мубайян”дир”.

Шунингдек, сўзбошида таъкидланишича, шох Бобур “Мубайян” китоби орқали буюк фақх зот эканини намоян этади, асарни

Китобдан яхши дўст бўлмас

ўз валиахд ўғиллари Носириддин Хумоюн ва Комрон Мирзога дастуриламал сифатида мўлжаллаб, уларнинг сиймоси орқали бугун халқ оммасига беш фарз фикҳий масалаларни тасмил қилади. Дарҳақиқат, асарда бу масалалар гўзал шеърый тилда баён этилган.

Профессор Акмал Саидов китоб охирида берилган “Бобур Мирзонинг бебаҳо асари” сарлавҳали мақоласида “Мубайян” ва “Рисолаи волидийа” асарларининг янги нашрига хос бир неча хусусиятларни ва олдинги нашрлардан фарқли жиҳатларини далиллаб кўрсатган. Бу жиҳатлар ҳар иккала асарнинг насрий баёни ва назмий таржимаси ҳамда изоҳ, шарҳлар билан таъминлангани уларнинг муаллифи ушбу ижодий меҳнатни қўнт билан амалга оширганини тасдиқлайди.

“Мубайян ва насрий баёни” китоби ўзига хос илмий тадқиқот бўлиши билан бирга китобхонлар учун махсус дастуриламал ҳамдир.

Бобур ҳаёти ва ижодида жуда муҳим ўрин тутган “Рисолаи волидийа” асарининг назмий таржимаси матни ва шарҳи билан бирга ушбу китобга киритилгани ҳам маънавий ҳаётимизда улкан воқеа деб ҳисоблайман”, деб ёзади профессор А.Саидов.

Маъзур нашр Бобур шахсини, ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ билиш, тушуниш ва ўрганишда янги имкониятлар яратиши шубҳасиздир.




МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ОМИЛИ

матндаги нарсалар-ҳодисаларни аташ — номлаш, ўқувчи тасаввурига ғоят кучли таъсир қилувчи оҳанслар, об-

ҳамда амалиётининг долзарб муаммоларига бағишланган мақола-лари ўрин олган. “Чўлпоннинг тил ва услуб назо-кати” мақоласида И.Фафуров таржи-мада бадий услубни ёзувчининг ўзи каби яратиб муторжимдан санъ-аткорликни талаб этишини, “Туб

тасида мулоҳаза юритила-ди: “Жаҳон адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек ада-биётидан жаҳон тилларига ўғириладиган таржималар-нинг аксарият қисми ўз ба-ҳосини олмасдан қолмоқда. Келгусида бу борадаги тад-



Ахматовадан қилган тар-жималарига баҳо бериб ўтилган. Муаллифнинг: “Ҳар бир шеърый таржи-ма бир миллат билан ик-кинчи миллат орасидаги кўприк вазифасини ўта-шидан ташқари, таржима қилинган тилда сўзлаша-диган миллат билимни, қувваи хофизасини, эсте-тик савиясини оширишга

хизмат қилиши лозим”, деган фик-ри жўялидир.

Китобдаги М.Умархўжаев, Х.Раҳи-мов, Ҳ.Нурматов, З.Содиқов, А.Аб-дуллахонов, С.Сайдалиев, Ф.Ҳоши-мов, М.Сулаймонов, З.Жуманиёзов каби таржимашунос олимларнинг мақолаларида ҳам замонавий тар-жимашуносликнинг долзарб муам-молари хусусида илмий баҳс ва му-лоҳазалар юритилган.

Маъзур тўплам, шунингдек, На-манган давлат университетидан ўтказилган анжуман таржимашу-нослик илмининг долзарб муаммо-ларини қамраб олгани, таржима-нинг маданиятлараро алоқаларда-ги ўрни кенг ёритилгани билан аҳамиятлидир.

Дилнавоз САЛИМОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини тадқиқотчиси

Таржима — юксак санъат

лараро ва илмий-техник алоқалар-да таржиманинг ўрни ҳамда роли” мавзусига бағишланди.

Анжуман материаллари алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Тўплам-дан Иброҳим Фафуров, Абдулла Шер, Мухторхон Умархўжаев, Му-хаммаджон Холбеков, Зоҳидилло Мунавваров, Заҳририддин Исомид-динов, Хуррам Раҳимов сингари моҳир таржимон ва таржимашунос олимларнинг таржима назарияси

разлар, поэтик ифодаларни муал-лиф кўзлаган бадий мақсад дара-жасида таржимада очиб кўрсатиш”-дек масъулият моҳиятини Чўлпон-нинг Чеховдан қилган таржималари мисолида чуқур таҳлил қилиб бе-ради. Профессор М.Холбековнинг “Таржимашунослик ва таржима тан-киди” мақоласида эса таржимашу-нослик илмининг сўнгги йилларда-ги равнақи: ютуқлари ва камчилик-лари хусусида аниқ далиллар воси-

Имомназарова ва Ориф Ҳожининг шеърлари эълон қилинган.

Наср ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган асарлар орасида Файзулла Салаевнинг “Еттинчи бўрдоки”, Фармон Тошевнинг “Кечиккан байрам”, Жасур Кенгбевнинг “Гурбатхона” ва Оллоёр Беғалиевнинг “Халоскор мушук” ҳикояларини ўқийсиз. Жаҳон адабиёт намуналаридан Василий Шукшин (Ўроз Хайдар таржимаси) ва аме-рикалик адиба Кейт Чопин (инглиз тили-дан Қандилат Юсупова таржимаси) ҳикоя-лари берилган.

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқ-бой Йўлдошининг мақоласида модер-низм тушунчаси, маъзур ном билан ата-лувчи адабий йўналиш, унинг илдизи,

Журналларни варақлаганда

моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда на-мояндалари асарлари ҳақида кенг ва чуқур фикр-мулоҳаза юритилган. Исломохон Ёқубов “Роман — мушоҳаба” сарлавҳали тақризида ёзувчи Комил Авазининг “Қўналға” романини таҳлил қилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди Абду-мурод Отажоновнинг “Қалб гавҳари”, Мурод-хон Эргашевнинг “Сайёҳларнинг самимий эъти-рофлари” публицистик мақолалари, “Биринчи учрашув” ружни остида ёш қаламкашларнинг шеърлари, “Елғуғич”да эса Турсунбой Бойми-ровнинг ҳажвияси босилган.

Чаман АРОМОВА

“ЁШЛИК”

2014 йил, 9-сон

Журналнинг ушбу сони Сирожи-дин Рауфнинг “Ким эдигу ким бўлди” номли бадий-публицистик тўплам ҳақидаги “Қанот боғлаган орзулар” мақоласи билан очилади. “Адиб хонадонидан” ружнида бу гал таниқли шоир Икром Отамурод-нинг дил изҳорини ўқийсиз ва “Қан-гул сукути — ўзингни таниш” деб номланган янги туркумидан баҳра-манд бўласиз. Шунингдек, ушбу сонда Дилбар Сиддиқова, Мунавва-ра Қурбонбоева, Шаҳодатбону



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи 1996 йилнинг 18 октябрыда соҳиб-қирон Амир Темури бобимиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан очилган эди. Музей ҳазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи беш мингга яқин ашёлар сақланади. Булар Амир Темури ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар, этнографик ва сопол буюмлардир.

Булардан ташқари, музей ҳазинасини Франциянинг Лувр музейи томонидан соғ-га қилинган Амир Темури сиймоси тасвирланган асарлар, шунингдек, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Хитой элчионалари тақдим этган Амир Темури ва темурийларнинг қўши давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, бир қанча қўлёзма нусхалар, Малайзия, Қозғистон, Россия, Грузия, Туркия, Белгия ва бошқа давлатларнинг совғалари янада бойитди.

Музейда олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотлар ҳам унинг фаолиятини янада жонлантирмоқда. "Темурийлар даври ренессанси", "Шоҳрухия қалъа шаҳри — Амир Темури ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги", "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" каби қатор илмий аҳамиятга мо-

Музей ва замон

лик тадқиқотлар натижасида халқимиз давлатчилиги, Темурийлар даври тарихи, анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи 50 дан ортиқ кўргазмалар ташкил этилди.

Яқинда музей биносидида Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб "Истиқлол фарзандлари — анъаналаримиз давомчилари" номли кўргазма томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ўзбекистон Бадий академиясининг дизайн коллежи билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмада амалий санъатнинг ёғоч ўймакорли-

ги, зардўзлик, каштачилик каби намуналари намойиш этилди. Коллеж талабаларининг малакавий ишларида табиат манзаралари, бунёдкорлик ишлари, натюрмортлар, миллий анъаналаримиз, тарихий ўйинлар ва урф-одатларимиз моҳирона тасвирлангани кўпчилида қизиқиш уйғотди.

Музейимизда халқаро кўргазмаларнинг ўтказиб турилиши ҳам анъанага айланмоқда. Ўтган ойнинг бошида Уммон Султонлиги Ҳужжат ва архивлар Миллий бошқармаси, Халқаро Амир Темури хайрия фонди ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Уммон халқининг миллий кийимлари, тақинчоқлари, нумизматика ашёлари ва бошқа буюмлар намойиш этилди. Ўн кун давом этган ушбу кўргазмани



беш мингдан зиёд томошабин ва сайёҳ келиб кўрди. Тадбир давомида Ўзбек ва Уммон Султонлиги фольклор ансамбллари куй ва қўшиқлари ижро этилгани кўпчилида катта таассурот қолдирди. Маданиятлар алмашинувида муҳим аҳамият касб этадиган бундай кўргазмалар истиқболда музейимиз фаолиятини кенг ўрин олади.

Раъно ЗИЯЕВА

ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими

БИЗНИНГ МУҲАББАТ ОПА

Уйдан чиқдим, чарақлар қуёш,
Рўпарамда таниш-билишлар.
Астагина силкиб қўйиб бош,
Салом-алик қилиб қолишар.
Шундан қалбда меҳр аталган
Уйғонади улуг бир туйғу.
— Омонимисиз? — дея қадалган
Ўша нигоҳ бунчалар эзгу...



Ушбу сатрларда намоён бўлган ҳолат, руҳий кечинма ифодаси ҳаётининг ва самимийлиги билан ўқувчига завқ бағишлайди, беихтиёр эзгу нигоҳлар унинг ҳам кўнглини равшан қилади. Таниқли шоира Муҳаббат Тўрובה бисотида шу сингари содда, ортиқча баландпарвозликдан холи сатрлар бисёр. Унинг "Тўёна", "Қумуш томчилар", "Қўш қабутар", "Оқ гуллар", "Баҳор элчиси", "Қўнғил чироғи" каби тўпламлари бунинг ёрқин далилидир. Шоира шеърларида умуминсоний қадриятларни улуғлайди, овоз ва обод Ватанни шарафлайди, шеърининг барча замонлар учун етакчи мавзулариди меҳр ва илҳом билан қалам тебратди.

М.Тўрובה нафақат назмда, балки насрда ҳам бир неча китоблар чоп эттирган. Бу ўринда "Авлод" қиссаси, "Меҳрим меваси", "Хонанда хотираси", "Тириклик қадри" тўпламларини тилга олиш жоиз. Қисса ва ҳикоялари қаҳрамонлари — бизнинг замондошларимиз, атрофимиздаги одамлар. Муҳаббат опа уларни оддий турмуш кечинмалари билан тасвирлар экан, ўқувчини воқеалардан тўғри хулоса чиқаришга, атрофдагиларга эътиборли муносабатда бўлишга, ҳар қандай шароитда ҳам инсон бўлиб қолишга қайиради.

Ўқувчилар М.Тўрובה яхши журналист сифатида биладилар. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталик тахририятидаги ўттиз йилдан ортиқ фаолияти мобайнида газета саҳифаларида ўнлаб мақола ва суҳбатлари чоп этилган. Ўзининг ишга

жиддий муносабати, самимий муомаласи, ҳамкасбларига меҳр-эътибори туфайли жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлган. Опа билан узоқ йиллар бирга ишлаган таниқли журналист Маҳмуд Саъдий у ҳақда шундай ёзади: "Ҳар бир одам бахтли бўлиши

Қутлаймиз!

ни хоҳлайди, бахтли яшаш учун имкони борича интилади. Аслида-ку, бу ёруғ дунёга келишининг ўзи улуг бахт. Мақсад ана шу ҳаётни намунабид яшаб ўтишда бўлиши керак. Қалам-каш дўстим Муҳаббат Тўрובה ҳам шу фикрда умр кечириб келаётганлардан. У очикқўнғиллиги, касбдошларига нисбатан ҳушмуомалалиги, ишга сидқидилдан киришиши, холисона фикрлашга интилиши билан ҳурмат-эътиборга сазовор аёл".

Муҳаббат опа бугун нафақад бўлса-да, ижод намуналари билан газета саҳифаларида тез-тез қўриниб турадилар. Шу маънода уни бахтли журналистлардан бири дейиш мумкин. М.Тўрובה назм ва насрда янги асарлар ёзиш билан бирга, ўзи аъзо бўлган Ёзувчилар уюшмаси тадбирларида ҳам фаол қатнашиб келади.

Ҳамкасблар ва мушаррийлар номидан оддий ва камтарин аёл, меҳрибон она, шоира ва журналист Муҳаббат Тўрובהга узоқ умр, соломатлик, баракали ижод тилаймиз!

"Ўзбекистон" нашриётида "Гошгулар" номи билан чоп этилди.

Тўпламдан таниқли шоирнинг етмишдан ортиқ шеъри жой олган. Уларнинг аксариятида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, фарзандлик садоқати тараннум этилади. Айниқса, "Эгер женнет гоқде болса", "Ўзбек билан туркменин", "Новруз гошгуси", "Сени бу гун кормесем болмаз" каби шеърлар таржимасида муржинимнинг маҳорати ёрқин акс этган. Мутаржим шеърларга сингдирилган соҳир туйғуларни чуқур ҳис қила олганлиги туфайли, улардаги маъно-мазмунни аслиятга мос тарзда баён олган. "Бу ҳар бир шеърда билинади. У туркман тили бойликларида жуда унумли фойдаланган", деб ёзади филология фанлари доктори Каримбой Қўрамов китобга ёзган "Дўстлик чамани" сарлавҳали сўзбошида.

Янги нашрлар

Ҳар бир инсон табиат ҳодисаларига, турли ҳаётини воқеликларга тафаккур мезонларидан келиб чиқиб баҳо берса, ижодкор, айниқса, сўз санъаткорлари — шоирлар қалб тугёнларию соф туйғуларни орқали баҳо беради. Сўзлар камалагида теран мазмун ва оҳанг жи-

лолари акс этган мисралардан эса шеърини илҳомини мутаалаа завқини олади. Лаҳзалик ҳаяжондан умрга татиғулик Сўзининг ажиб таъмини ҳис этади.

Яқинда "Тафаккур қаноти" нашриётида ана шундай "самимий таъмларга тўла" мўъжазгина тўплам чоп этилди. Истеъдодли шоира Шаҳрибону қаламига мансуб шеърларнинг мазмун-моҳияти китоб номига монанд — "Ҳислар камалаги".

"Шаҳрибонунинг ўзигагина хос бўлган

кулин (Россия). — Тошкент жуда гўзаллашиб, халқаро миқёсдаги анжуманлар юксак савияда ўтатган санъат ва маданият марказига айланибди. Анжуман доирасидаги барча кўргазмалар шундай юксак даражада ташкил этилганини хориқлик меҳмонлар ҳам қайд этишди. Инсонпарвар-



лик ғоялари илгари сурилган ушбу биеннале мутахассис ва томошабинлар қалбиди муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.

С.ҚОСИМОВА

Композитор билан учрашув

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида консерватория доценти, композитор Ойдин Абдуллаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда бўлажак композитор-талабалар эътиборига ижодкорнинг турли жанрларда ёзган асарлари ҳавола этилди. Жумладан, жадидлар хатирасига бағишланган 2-симфония, "Omnibus" ансамбли учун ёзилган эпитафия (виолончель ва камер оркестрига мўлжалланган), скрипка ва фортепиано учун соната, фортепиано ва оркестр учун "Хоразмча фантазия" асарлари ҳамда Малика Абдулбедиева ижросидаги эстрада қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Таниқли композиторлар Ф.Янов-Яновский, Х.Раҳимов, рассом Р.Эрматов ва бошқалар Ойдин Абдуллаева ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Наргиза СУЛТОНБЕКОВА

босиқ, сокин, дардларга йўғрилган ички овози шеърини илҳомини қалбига етиб боради. Бу овоз ҳайқирисиз, иддасиз, таъмасиз, бежама сўзлардан, олифта ташбеҳлардан холи", деб ёзади Шойим Бўтаев китобдаги сўзбошида.

Ёмғир ёғиб ўтиб аққан тупроқ,
Осмон юрагига санчилган чакан.
У илк қўз очган гулдаги титроқ,
Юлдузлардек узоқ, соғинчдек яқин...

Туйғулар сийрати акс этган бу каби гўзал мисралар шоирнинг "Қутуш", "Рақс тушар мавлоно", "Севиш, юрак" каби кўплаб шеърларида ўзининг жозибали ифодасини топан.

Самимийлик ва табиийликка йўғрилган шеърлардан таркиб топан "Ҳислар камалаги" тўплами чинакам шеърини муҳлисига соҳир лаҳзалар тўхта этиши тайин.

Ирода МУХИДДИНОВА,
талаба

Гул қўп, чаман қўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН ОЛАМШУМУЛ ОБРЎ

Адабиёт соҳасида 2014 йилги Нобел мукофотида сазовор бўлган замонавий француз адаби ва сценарий устаси Патрик Модино 1945 йили Париж яқинидаги Булон-Бийанкур шаҳарчасида бой савдогар оиласида таваллуд топан. Онаси эса актриса бўлган. П. Модино 1960–1962 йилларда Авлиё Иосиф ва Анси коллежларида ўқиб, бакалавр даражасига эришган, 1965–1966 йилларда Сорбонна университетини адабиёт факультетида тахсил олган. "Тунги қўриқчи" романида Иккинчи жаҳон урушида немислар томонидан босиб олинган ҳудудлардаги муҳим манзаралар тасвирланган. "Ҳиёбон халқаси", "Ғам қошонаси", "Ойла дафтари", "Зулматдаги расталар қўчаси", "Йўқолган мавзе", "Август яшанбаси", "Муддатни қисқартириш", "Болалик устбошхонаси", "Асал ойи савҳати", "Харобазор гуллари", "Энг узоқ унутишлар", "Уни Франсуаз деб аташарди" (Катрин Денев ҳаммуаллифлигида) каби романлари шуҳрат қозонган. 1977 йили нашр этилган "Дора Брюдер" романи ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутди. Патрик Модино шу каби 35 дан зиёд асарлар муаллифи бўлиб, яқинда босилиб чиққан сўнгги романи "Сен мавзеда йўқолиб қолмаслигини учун" деб аталади. Адиб кўплаб бадий филмлар учун сценарийлар ёзган, унинг "Лакомб Люсен", "Ёшлик", "Ивоннанинг хушбўйи", "Сен етишмайсан", "Чарелл", "Ўтиб кетаётган одамлар" романлари асосида бадий филмлар яратилган. Модино кўплаб қўшиқларнинг ҳам муаллифидир. Адиб Фенон ҳамда Роже Ниме мукофотлари, Француз академиясининг Катта мукофоти, Гонкурлар мукофоти, шунингдек, Чино дел Дук номидаги халқаро мукофотларга сазовор бўлган.

ВАҚТНИ ЕНГАН ПРУСТ

Модерн адабиёти намоёндаларидан бири Марсел Пруст (1871–1922) XX аср жаҳон адабиётининг энг машҳур китобларидан саналган "Бой берилган вақтни излаб" номли етти жилдли асарлари билан шуҳрат қозонган. Адиб Париж яқинидаги шаҳарчада таваллуд топан. Отаси Европа ва Осиёда вабо ёйилиши олдини олиш учун уринган тиббиёт профессори, гигиенага доир мақола ва китоблар муаллифи бўлган.

Пруст Кондорседаги лицейда, сўнг Сорбонна университетини ҳуқуқ факультетида тахсил олади. Ўша пайтда урф бўлган Штраус хоним, композитор Бизенинг беваеси, Кайяве хоним ҳамда Мадам Лемерларнинг Париждаги салонлари Прустинг ҳаёти ва дунёкараши шаклланишида муҳим рол ўйнайди. У 1892 йили дўстлари билан ҳамкорликда ўз журналларига асос солади. Орадан икки йил ўтиб декантлар услубидаги насрий шеърлар китобини чоп эттиради. Адибнинг "Бой берилган вақтни излаб" эпосеяси "Сван йўналишида", "Соядаги қизлар", "Германтлар ҳузурда", "Содом ва Гоморра", "Асира", "Қочоқ аёл", "Эгалланган вақт" романларидан иборат бўлиб, уларда жами 20 минг персонаж қатнашади. 1918 йили эпосеянинг иккинчи китоби эълон қилинганда Пруст Гонкурлар мукофоти билан тақдирланган. Грэм Грин уни XX асрнинг энг яхши романнависи, Сомерсет Моэм эса унинг китобларини энг яхши бадий асарлар сифатида баҳолаган. Адиб эпосея охириг жилдларини тахрир қилишга улгурмаган. Сўнгги уч китоб Пруст вафотидан кейин укаси Роберт тахрири остида чоп этилган.

"УЧ МАЪЮС ЙЎЛБАРС"

Кубалик машҳур адиб ва журналист, сценарийчи ва кинорежиссёр Гилермо Кабрера Инфанте (1929–2005) қаламига мансуб "Уч маъюс йўлбарс" романи салмоғи жиҳатидан Хулио Кортасарнинг "Мумтозлик уйини", Гарсиа Маркеснинг "Танҳоликнинг юз йили" каби асарлари билан баробар турадиган Лотин Америкаси китоблари сифатида эътироф этилган. Асар поэтикаси бир томондан Хосе Лесамо Лима анъаналарини давом эттирса, бошқа томондан Ж.Жойс, Р.Кено ва бошқа гарб адибларининг услубларини эслатади. Муаллифнинг эътирофига, у бу асар орқали бир йўла Пруст ва Ньютонни муажжасамлантиришни, ўзи тугилиб ўсган муҳитдаги маҳаллий лаҳжалар, оғзаки гангүр-гангүрлар, инглиз-испан ғабридлари, ноёб оҳанглар, товуш интонациялари, ўзига хос юмор, сўз ва ҳатти-ҳаракатдаги имо-ишораларни ўз ичига олган халқона бой тилининг нафосатини бутун мураккаблиги билан акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Романнинг асосий воқеалари кечадиган Кубанинг қоқ юраги — тунги Гавана манзаралари тасвири муаллиф учун шундай имконият бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди таниқли ёзувчи

Муроджон МАНСУРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 4658 Буюртма Г — 1057. Ҳажми — 3 босма тибқоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X



9 772381 614000